

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017. Tib 31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ШАРИПОВА НИЛЮФАР САИДОВНА

**БРОНХИАЛ АСТМА ТАРҚАЛГАНЛИГИНИНГ ТИББИЙ-
ИЖТИМОЙ ҚИРРАЛАРИ ВА УЛАРНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ
(БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**14.00.33-Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент
(тиббиёт фанлари)**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
medical sciences**

Шарипова Нилюфар Саидовна

Бронхиал астма тарқалганлигининг тиббий-ижтимоий қирралари
ва уларни яхшилаш йўллари (Бухоро вилояти мисолида) 3

Шарипова Нилюфар Саидовна

Медико-социальные аспекты распространенности бронхиальной
астмы и пути их снижения (на примере Бухарской области) 23

Sharipova Nilyufar Saidovna

Medical-social aspects of bronchial asthma and ways of its improvement
(in example of Bukhara Region) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017. Tib 31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ШАРИПОВА НИЛЮФАР САИДОВНА

**БРОНХИАЛ АСТМА ТАРҚАЛГАНЛИГИНИНГ ТИББИЙ-
ИЖТИМОЙ ҚИРРАЛАРИ ВА УЛАРНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ
(БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**14.00.33-Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент
(тиббиёт фанлари)**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси В2017.2 PhD/Tib 198рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент Тиббиёт Академиясида (ТТА) бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Маматқулов Баҳрамжон тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Искандарова Шахноза Тулкиновна тиббиёт фанлари доктори, профессор Рустамова Мамлакат Тулабаевна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Андижон Давлат Тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc. 27.06.2017. Tib 31.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «___»_____ соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел./факс: (+ 99871) 268 -17- 44; e-mail: info@tipme.uz).

Диссертацияси билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани. Паркент кўчаси, 51-уй.Тел./факс: (998971) 268 17 44.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А.Акилов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

Н.Н.Убайдуллаева

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт
фанлари номзоди, доцент

Д.А. Асадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бронхиал астма беморлар ҳаётига хавф солувчи, узок давом этувчи, бўғилиш хуружлари, кучли ифодаланадиган нафас етишмовчилиги билан кечадиган оғир касаллик ҳисобланади ва шунинг учун ҳам у тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Бронхиал астманинг диагностикаси ва даволаш усулларини такомиллашганлигига қарамасдан, дунё миқёсида ушбу касалликдан касалланиш, ногиронлик ва ўлим суръати йилдан-йилга ошиб бормоқда. Кейинги йилларда ер юзи аҳолисининг 5%дан 10%гача бўлган қисми бронхиал астмадан азият чекмоқда. Ҳозирги кунда дунё бўйича 300 млн. нафар одам бронхиал астмадан касалланган. Прогностик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2025 йилга бориб бу кўрсаткич 400 млн.га етиши кутилмоқда¹.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, тиббиёт муассасаларида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, жумладан бронхиал астмани самарали профилактикаси ва даволашни ташкил қилиш борасида кенг қамровли дастурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида қатор ислохотлар амалга оширилишига қарамасдан, аҳолининг турли қатламлари орасида бронхиал астмадан касалланишлар, уларнинг асоратлари оқибатида юзага келадиган ногиронлик ва ўлимни олдини олиш тиббиёт ходимлари олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бундан келиб чиққан ҳолда илмий изланишларда бирламчи тиббий-санитария ёрдами (БТСЁ) муассасаларида бронхиал астма касаллигининг олдини олиш ва уларни барвақт аниқлашга, ўз вақтида амбулатория ва стационар шароитида сифатли ташхислаш ва даволаш тизимини ишлаб чиқиш, даволашдан кейинги асоратларни камайтиришга, мазкур касалликнинг келиб чиқишида етакчи хавф омилларини аниқлаш, касалликнинг профилактикасига тизимли ёндашиш, аҳолининг турмуш тарзи, ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш ҳамда бронхиал астмадан касалланиш, ногиронлик ва ўлим даражаларининг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони², 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2857-сон «Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ <http://www.who.int/respiratory/asthma/ru/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Статистик маълумотларга қараганда бронхиал астмадан умумий касалланиш 2006 йилда Ўзбекистон Республикасида 10 000 аҳолига 13 тани ташкил қилди. Касаллик йилдан-йилга ошиб бормоқда (Убайдуллаева К.М., 2003; Нарзуллаева Н.А., 2003; Абдусаламов А.Б., 2004; Убайдуллаев А.М., 2004; Назаров А.А., Ирсалиев Ф.Х., Назаров Ж.А., 2006).

Деярли барча давлатларнинг олимлари ва тиббиёт ходимлари бронхиал астма диагностикаси ва уни даволаш муаммоларини ечиш масаласида бош қотирмоқда. Кейинги 10 йилда касалликни даволаш ва патогенезига нисбатан қарашлар бутунлай ўзгарди.

Бронхиал астма тарқалганлиги, клиник жиҳатларини ўрганишга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказилган (Каюмходжаева М.А., 1996; Узакова Г.Т., 2001; Якимова М.А., 2001; Салаева М.С., 2004; Абдусаламов А.Б., 2004; Убайдуллаев А.М., Исмаилов Ш.У., 2007; Убайдуллаева К.М., 2007). Сўнгги йилларда касалликни даволаш ва диагностикасининг амалий йўналишларини аниқлаш, касалликнинг кечиш хусусиятларини ўрганишга қаратилган бир қанча илмий тадқиқотларнинг мавжудлигига ва эришилган ютуқларга қарамасдан Ўзбекистонда бу йўналишдан тиббиёт ходимлари, айниқса, умумий амалиёт врачлари етарли даражада фойдаланмаяптилар. Шунингдек, бронхиал астманинг тарқалганлик даражаси фақат даволаш-профилактика муассасаларига беморларнинг мурожаатлари асосида тузилган ҳисобот ёрдамида таҳлил қилинмоқда. Бу эса касалликнинг ҳақиқий эпидемиологик тасвирини ифодалай олмайди. Фақатгина стандартлаштирилган эпидемиологик тадқиқотларгина бронхиал астманинг учраш частотаси, ёш-жинс таркиби тўғрисидаги аниқ маълумотларни, шунингдек, касалликларни келтириб чиқарувчи омиллар ва сабабларни аниқлаш имконини беради.

Шу билан биргаликда Ўзбекистонда, унинг турлича иқлим шароитига эга бўлган минтақаларида бронхиал астма билан касалланиш, ногиронлик, ўлим ҳолатлари юзасидан беморларнинг турмуш тарзи, ҳаёт сифатини инобатга олинишини кўзда тутувчи кенг қамровли, мажмуавий ижтимоий-гигиеник тадқиқотлар ўтказилмаган, ҳамда уларга қиёсий баҳо берилмаган. Беморларнинг ҳаёт сифати ва саломатлигига таъсир этувчи хавф омиллари аниқланмаган. Бронхиал астма билан касалланиш, ногиронлик ва ўлимнинг прогнози ишлаб чиқилмаган. Беморларнинг турмуш тарзи ва ҳаёт сифати, уларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамни яхшилашга қаратилган кенг қамровли илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011500217- «Ўзбекистон Республикаси турли

аҳоли гуруҳлари саломатлик кўрсаткичлари ва яшаш муҳитини яхшилаш бўйича илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бронхиал астманинг тарқалганлиги, ногиронлик ва ўлим ҳолатларини, хавф омилларини ўрганиш ва тиббий ёрдам сифатини яхшилашга қаратилган илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифаларини қуйидагилар ташкил этди:

республикаимизнинг турли ҳудудларида бронхиал астманинг ёш-жинс бўйича тарқалганлигини динамикада ўрганиш;

бронхиал астма билан боғлиқ ногиронлик ва ўлим ҳолатларини ўрганиш;

бронхиал астма билан касалланган беморларнинг турмуш тарзи ва ҳаёт сифатини ўрганиш;

касалликнинг етакчи хавф омилларини аниқлаш, уларни эрта аниқлашнинг прогностик жадвалини тузиш;

2030 йилгача бўлган даврда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси орасида бронхиал астманинг тарқалиш прогнозини ишлаб чиқиш;

бронхиал астма билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва уларда учрайдиган хавф омилларини, касалланиш даражасини камайтиришга қаратилган илмий асосланган кенг қамровли профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилоятининг шаҳар ва туманларида бронхиал астма (БА) билан касалланиш; касаллик туфайли ногиронлик ва ўлим ҳолатлари бўйича статистик маълумотлар; 420 нафар бронхиал астма билан касалланган беморлар (ҳодиса гуруҳи) ва 420 нафар аналогик шароитда истиқомат қиладиган, лекин бронхиал астма билан касалланмаган шахслар (назорат гуруҳи); БТСЁ муассасаларида ҳамда стационар шароитда даволанган жами 150 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бронхиал астманинг тарқалганлиги, ногиронлик ва ўлим ҳолатлари ва уларни келтириб чиқарадиган хавф омиллари, беморларнинг турмуш тарзи ва ҳаёт сифати.

Тадқиқотнинг усуллари. Эпидемиологик, ижтимоий-гигиеник, социологик, иқтисодий, статистик, эксперт баҳолаш, логистик регрессия ва бошқа замонавий усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор бирламчи тиббий-санитария ёрдами (БТСЁ) муассасаларида бронхиал астма касаллигининг олдини олиш ва унинг профилактикасига тизимли ёндашиш, аҳолини комплекс соғломлаштириш бўйича тиббий-ташкилий таклифлар асосланган;

бронхиал астма касаллигининг келиб чиқишида тез-тез ЎРВИга чалиниш, зарарли одатлар, ирсий мойиллик, ижтимоий ҳолат, уй ва меҳнат шароити, тиббий хизматнинг сифати етакчи хавф омиллар эканлиги, ушбу касаллик беморларнинг жисмоний фаоллигини эмоционал ва руҳий ҳолатини кескин пасайишига олиб келиши исботланган;

илк бор бронхиал астма касаллигини камайтириш, барвақт аниқлаш, диспансер назоратига олиш, индивидуал дифференциялашган, гуруҳли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий-гигиеник омилларнинг ролини, беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш имконини берувчи прогностик жадвал ишлаб чиқилган;

биринчи маротаба бронхиал астмадан касалланиш, ногиронлик ва ўлим даражаларининг 2030 йилгача бўлган прогнози ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

касалликнинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактикасига қаратилган, босқичма-босқич амалга ошириладиган, комплекс тизимли ёндошув дастури ишлаб чиқилган;

мазкур дастур асосида бронхиал астмани эрта аниқлаш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар алгоритми ҳамда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш бўйича амалий тавсиялар асосланган;

БТСЁ муассасалари умумий амалиёт врачлари фаолиятида бронхиал астма касаллигининг шаклланишига таъсир этувчи хавф омиллари даражасини комплекс баҳолаш имконини берувчи прогностик жадвалдан фойдаланиш натижасида аҳоли хавф гуруҳини аниқлаш, уларнинг хавф даражасига кўра дифференциаллашган, индивидуал режа бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлаш менежменти усуллари, расмий маълумотлардан фойдаланиш ва сўров натижасида олинган ахборотларнинг умум қабул қилинган усуллар асосида тизимлаштирилиши, тиббий-ижтимоий текшириш усуллариининг қўлланилиши, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилгани, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тан олинган илмий нашрларда чоп этилгани натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, олинган хулоса ва киритилган таклифлар бронхиал астма касаллигини барвақт аниқлаш, хавф омилларини ташхислаш ва даволаш хусусиятларини ўрганишга назарий жиҳатдан сезиларли ҳисса қўшишдан иборат. Бухоро вилоятининг шаҳар ва туманлари касалланиш, ногиронлик ва ўлим ҳолати 2030 йилгача бўлган прогнозига кўра хавфлилик даражаси жиҳатдан 3 та гуруҳга районлаштирилди. Бронхиал астма билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифати қиёсий баҳоланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган тадқиқотлар натижасида бронхиал астманинг олдини олиш, касалланишлар даражасини камайтиришга қаратилган илмий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Ишлаб чиқилган илмий тавсияномаларни амалиётга татбиқ қилиш бронхиал астмага олиб келувчи хавфли омилларнинг организмга таъсирини баҳолаш ва уни прогнозлаш имконини берди. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига мурожаат қилаётган

аҳолининг хавф омилларини баҳолаш, уларни хавф гуруҳларга ажратиш ва хавф даражасига қараб касалликни эрта аниқлаш, бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактиканинг самарадорлигини ошириш, касаллик асоратлари частотаси ва шиддатини камайтириш имконини беради.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Бронхиал астма тарқалганлигининг тиббий-ижтимоий қирралари ва уларни яхшилаш йўллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Бронхиал астма хавфли омилларини прогнозлаш ва унинг профилактикасига тизимли ёндашув» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 12 майдаги 8и/75-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бронхиал астма хавфли омилларини прогнозлаш сифатини ошириш ва унинг профилактикасига тизимли ёндашув даражасини оширишга хизмат қилади;

«Бронхиал астма профилактикасида соғлом турмуш тарзини ташкил қилиш ва шакллантириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 15 февралдаги 8и/35-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бронхиал астма профилактикаси сифатини оширишда соғлом турмуш тарзини ташкил қилишни оптимал ташкил қилишга хизмат қилади;

«Бронхиал астма: эпидемиология, хавф омиллари ва беморларнинг ҳаёт сифати» қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 8 июлдаги 8Н-р/569-сон маълумотномаси). Мазкур қўлланма бўйича амалга ошириладиган тадбирлар беморларнинг ҳаёт сифати ва самарадорлигини ошириш имконини беради;

бронхиал астмани даволаш ва профилактикасини тиббий-ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш юзасидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси, №5, №8, №9-сон оилавий поликлиникалар, Ёждувон туман марказий поликлиникаси амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 15 октябрдаги 8Н-д/60-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши тиббий, ижтимоий, иқтисодий самарадорликка, касалликни барвақт аниқлашга олиб келган, бронхиал астма билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланган, касаллик асоратлари камайган, беморларни стационарда даволаш муддатларини 2 кунгача қисқартиришга, шунингдек бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида қўллаш шифокорларнинг бронхиал астмани барвақт аниқлаш, ташхислаш, даволаш, профилактикаси бўйича ўз билимларини мунтазам равишда фаол ошириб бориш, касалланиш, ногиронлик, ўлим ҳақидаги маълумотлар базасини яратиш: умумий амалиёт шифокорига хавф гуруҳига кирувчи шахслар ва беморлар тўғрисида маълумотлар тўплаш, касалликнинг хавф даражасини аниқлаш, хавф гуруҳига кирувчи шахсларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш каби тадбирларни самарали ташкил этиш имконини беради.

Ишнинг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 15 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокама қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан 9 таси республика, 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 147 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг кириш қисми авторефератнинг «Докторлик диссертацияси аннотацияси» бўлимига айнан келтирилган. Унда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ҳамда тадқиқотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги ёритилган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари тизимли равишда келтирилган. Мазкур қисмда диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги кўрсатилган, ишнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ифодаланган. Шулар билан бир қаторда ишнинг апробацияси, натижаларнинг эълон қилиниши, ишнинг ҳажми ва тузилишига оид маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Бронхиал астманинг тарқалганлиги, ногиронлик, ўлим ва хавф омиллари**» деб номланган биринчи бобида бронхиал астма касаллигига замонавий қарашлар, унинг ижтимоий-гигиеник муаммо эканлиги, шу жумладан ушбу касалликдан касалланиш, ногиронлик ва ўлим даражалари жаҳон миқёсида йилдан-йилга ошиб бораётганлиги, ушбу касалликдан нафақат катта ёшдагилар, балки болалар ҳам кўпроқ азият чекаётганлиги, касалликни саноати ривожланган, экологик нохуш минтақаларда кўпроқ кузатилиши, касалликнинг ривожланишида наслий омиллар билан бир қаторда аҳолининг турмуш тарзи, тиббий маданияти муҳим аҳамият касб этаётганлиги ҳақидаги илмий адабиётлар ретроспектив усулда чуқур таҳлил этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот манбалари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материаллари ва услублари баён қилинган бўлиб, ижтимоий сўровнинг умумий характеристикаси, тасодифий танлов асосида ўтказилган ихтиёрий анкеталаш услуги, махсус формулаларда математик солиштира таҳлил ва статистика усуллари ёритилган.

Тадқиқотнинг эпидемиологик босқичида (2004–2014йй) Бухоро вилоятининг шаҳар ва туманларида бронхиал астманинг тарқалганлиги, ногиронлик ва ўлим ҳолатлари ёппасига ретро-проспектив кузатув усули

орқали ўрганилди. Интенсив ва стандарлаштирилган кўрсаткичлар жинс ва ёш таркибига кўра ҳисобланди. Бунда умумий қабул қилинган ёшга оид интервалдан фойдаланилди: 18 ёшгача, 18–29, 30–39, 40–49, 50–59, 60 ва юқори ёшдагилар.

2004–2014 йилларда Бухоро вилоятида бронхиал астмадан ногиронлик ҳолати ёппасига текширув ёрдамида ўрганилди. Ногиронликни таҳлил қилишда болаликдан ногиронлик, 39 ёшгача, аёллар учун 40–55 ёш, эркаклар учун 40–60 ёш интервалидан фойдаланилди. Вилоятнинг шаҳар ва туманлари орасида 2004–2014 йилларда бронхиал астмадан ўлим ҳолати ёппасига текшириш усули ёрдамида ўрганилди.

Бронхиал астма билан касалланган беморлар турмуш тарзи, турмуш сифати, шароитлари ва саломатлик ҳолатини ўрганишга қаратилган сўровнома тайёрланди. Касалликни келтириб чиқарувчи ва унинг шаклланишига сабаб бўлувчи хавф омиллари далилларга асосланган тиббиёт фанининг «ҳодиса-назорат» усулини қўллаш орқали ўрганилди. Беморларнинг турмуш тарзи, турмуш сифати ва касалликни келтириб чиқарувчи хавф омилларини ўрганиш учун тасодифий танлаш йўли билан жами 420 нафар бронхиал астма билан касалланган беморлар (ҳодиса гуруҳи) ва 420 нафар аналогик шароитда истиқомат қиладиган, лекин бронхиал астма билан касалланмаган (назорат гуруҳидаги) шахслар жалб қилинди. Социологик тадқиқотга киритилган беморлар жами Бухоро вилоятида қайд этилган (2004–2014 йилларда) ўртача беморлар сонининг (2420) 15% ни ташкил этди. Социологик тадқиқотга жалб қилинган беморлар, аҳолининг яшаш шароити, ижтимоий ва экологик омилларни инобатга олган ҳолда Бухоро вилоятининг Бухоро шаҳри, Гиждувон, Қоракўл туманларида «страта» усулида ажратиб олинди.

Ўткир касалликлар билан оғриган, бронхиал астманинг хуруж даврида турган, шунингдек, сўнгги 4 ҳафта ичида касаллик сабабли стационарда даволанган беморлар тадқиқотга жалб қилинмади.

Бронхиал астма билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифати оилани оммавий текшириш ва сўров-интервью усулида ўрганилди. Бу маълумотлар Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) томонидан ишлаб чиқилган SF-36 (Short Form-36) – махсус сўровномасига қайд қилиб борилди. Сўров ўтказиш жараёнида беморларнинг жисмоний фаоллиги, умумий саломатлиги, оғриқ ҳисси, руҳий ва жисмоний ҳолатларнинг ҳаёт фаолиятига таъсири каби мезонларга алоҳида эътибор қаратилди. Шундай қилиб, жами 840 нафар шахс текширилди.


Бронхиал астмадан касалланиш, ногиронлик ва ўлимнинг ретро-проспектив таҳлили асосида 2030 йилгача бўлган прогнози ишлаб чиқилди. Бунда динамик қаторлар таҳлили, максимал турғунлик коэффиценти, регрессияни баробарлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Хавф омилларининг касалланиш кўрсаткичига комплекс таъсири баллик тизим ёрдамида, нисбий хавф кўрсаткичи, шанслар нисбати, «вазн коэффиценти», меъёрлаштирилган интенсив кўрсаткичларни комплекс

баҳолаш усуллари ёрдамида ўрганилди (Т.И.Искандаров, Б.Маматқулов, 1994; Б.Маматқулов, 2013).

Диссертациянинг «**Бухоро вилоятида бронхиал астма касаллиги тарқалганлигининг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида Бухоро вилоятида бронхиал астма касаллиги тарқалганлигининг ўзига хос хусусиятлари баён этилган.

Тадқиқотлар натижасига кўра Бухоро вилояти бронхиал астмадан касалланиш бўйича Республикамизда етакчи ўринни эгаллайди. Касалланиш даражаси 10 000 аҳолига ўртача $18,0 \pm 0,33$ ни ташкил қилган. Вилоятда касалланиш даражаси 2004–2014 йилгача бўлган даврда ошиб борган (1-расм). Бухоро вилоятида атмосферанинг ифлосланиш даражаси юқори. Вилоятнинг шаҳар ҳудудида атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси қишлоқ ҳудудига нисбатан 87,5% га юқори. Шунингдек, 1 йилда ўртача бир кунлик зарарли моддаларнинг атмосфера таркибида йиғилиши шаҳар ҳудудида $1,98 \text{ мг/м}^3$ ни ташкил қилса, қишлоқ ҳудудида $1,83 \text{ мг/м}^3$ га тенг.



1-расм. Бухоро вилоятида бронхиал астма билан касалланишнинг кўп йиллик динамикаси (10 000 аҳолига)

Бронхиал астма билан касалланган беморларнинг асосий қисмини 40–60 ёшдагилар ташкил қилади. Бронхиал астма билан касалланган беморларнинг $\frac{3}{4}$ қисми айнан меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолига тўғри келган (18–59 ёш). Аёллар орасида касалланиш эркакларга нисбатан юқори. Бу ҳолат мос ҳолда 51:49 нисбатни ташкил қилган ($p < 0,05$).

Касаллик билан бирламчи касалланиш вилоятнинг шаҳар ва туманларида $1,6 \pm 0,4$ ни ташкил қилган. Бирламчи касалланиш Бухоро вилоятининг, айниқса Бухоро ва Когон шаҳарлари, Вобкент, Когон, Олот, Шофиркон, Ромитан, Қоровулбозор туманлари вилоят кўрсаткичларидан бирмунча юқори.

Бронхиал астма касаллигининг тарқалганлик даражасига кўра вилоятлар ҳудудлари 3 гуруҳга бўлинди. Энг юқори кўрсаткич Бухоро вилоятининг

Бухоро ва Когон шаҳарлари, Вобкент, Шофиркон, Қоракўл туманлари, ўртача кўрсаткич Бухоро, Пешку туманлари, ўртадан паст кўрсаткич эса Гиждувон, Олот, Жондор, Когон туманларига тўғри келади.

Бухоро ва Когон шаҳарлари, Қоракўл, Ромитан, Қоровулбозор, Вобкент туманларида бронхиал астма билан касалланиш кўрсаткичи вилоят кўрсаткичидан анча юқори катталикини ташкил қилмоқда (10 000 аҳолига ўртача 18,0 ва ундан юқори). Мазкур туманлар ишлаб чиқариш корхоналарининг жойлашувига кўра вилоятда етакчилик қилади (графит-гипс комбинати, оҳак заводи, асфальт заводи, ғишт заводи, пахта тозалаш заводи, ёғ-экстракция қилиш заводи, ип-йигирув ва тўқув фабрикалари, нефтни қайта ишлаш заводи, қоракўл-тери фабрикаси тўқимачилик ва тикув фабрикалари, пойафзал фабрикалари ва ҳ.к.). Бу эса мазкур ҳудуд атмосферасининг саноат чиқиндилари билан ифлосланишига ҳамда экологик жиҳатдан ёмон вазиятнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Диссертациянинг «**Бухоро вилоятида бронхиал астмадан ногиронлик ва ўлим ҳолатларининг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида Бухоро вилоятида бронхиал астмадан ногиронлик ва ўлим ҳолатларининг ўзига хос хусусиятлари батафсил ёритилган. Вилоятда бронхиал астма касаллигидан умумий ногиронлик $3,23 \pm 0,15$ (10 000 аҳолига) ни ташкил қилди.

Бирламчи ногиронликнинг эркаклар ва аёллар орасидаги нисбати 47:53 дан иборат. 40 ёшгача бўлган беморлар орасида ногиронлик даражаси аёлларда эркакларга нисбатан 2 марта, 40 ёшдан кейин эса ушбу фарқ аёлларда 1,5 мартага кўп учрамоқда (мос ҳолда 10 000 аҳолига $1,92 \pm 0,32$ ва $1,28 \pm 0,27$, $p < 0,001$).

Тадқиқот натижаларининг таҳлилига кўра, бронхиал астма билан боғлиқ ногиронлик аксарият меҳнатга лаёқатли ёш гуруҳига мансуб шахсларга хос бўлиб, муайян ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик ҳамда тегишли тадбирлар амалга оширилишини тақозо этади.

Бухоро вилоятининг катта ёшдаги шаҳар ва қишлоқ аҳолиси орасида бронхиал астмадан ногиронликнинг учраш частотаси мос ҳолда $3,98 \pm 0,42$ ва $3,53 \pm 0,20$ ($p < 0,001$) нисбатни ташкил этди.

Қишлоқда яшовчи эркакларда ногиронлик кўрсаткичи 34% га ($p < 0,05$), шаҳарда яшовчи аёлларда эса қишлоқда истиқомат қиладиган аёлларга нисбатан 50% га юқори эканлиги аниқланди ($p < 0,001$). II гуруҳ ногиронлиги аёллар орасида эркакларга нисбатан кўп кузатилган (тегишли равишда $2,20 \pm 0,20$; $0,70 \pm 0,06$; $p < 0,001$). III гуруҳ ногиронлигида устунлик аёллар томонида бўлган (эркаклар $0,10 \pm 0,02$; аёллар $0,31 \pm 0,07$; $p < 0,001$).


Тадқиқотга жалб этилган ногиронлар орасида шаҳарда истиқомат қиладиган ногиронларнинг аксарияти саноат корхонаси ишчилари бўлса (56,3%), қишлоқ аҳолиси орасида қишлоқ хўжалиги ходимлари (55,8%) етакчилик қилади. Ногиронларнинг 41,4% 20 ва ундан кўп, 79,9% 10 йилдан кўп иш стажига эга. Ишчилар иш стажига билан ногиронлик даражаси орасида тўғри ўртача корреляцион боғлиқлик мавжуд ($r = 0,56 \pm 0,03$).

Бухоро вилоятида бронхиал астмадан ўлим ҳолати ўртача $3,3 \pm 0,5$ (100

000 аҳолига) ни ташкил қилмоқда, ўлим ҳолати динамикада бироз камайган. Бухоро шаҳри, Олот тумани динамикада бронхиал астмадан ўлим ҳолати ошиб бораётган ҳудудга кирса, Ғиждувон, Қоровулбозор, Қорақўл, Шофиркон, Пешку, Бухоро туманлари мазкур кўрсаткич динамикада камайиб бораётган ҳудудга, бошқа туманлар эса динамикада ностабил характерга эга ҳудудга киради.

2004–2014 йиллар давомида катталар орасида ўлим кўрсаткичи болаларга нисбатан 5,6 марта кўп кузатилганлиги аниқланди. Мазкур кўрсаткич эркакларда аёлларга нисбатан юқори фоизни ташкил қилди (мос ҳолда ўртача $3,9 \pm 0,5$ ва $2,8 \pm 0,6$; $p < 0,05$). Вилоятнинг шаҳар ҳудудида ва қишлоқда яшовчи бронхиал астма билан касалланганлар орасида ўлим ҳолати мос ҳолда $5,7 \pm 2,5$ ва $2,8 \pm 0,9$ нисбатни ташкил қилмоқда.

Бронхиал астмадан касалланиш даражаси Бухоро вилояти миқёсида кейинги 15 йилликда 43% (1,4 марта) га ошиши кутилмоқда (2-расм). Хусусан, вилоятнинг Пешку, Вобкент, Ромитан, Ғиждувон, Қорақўл, Қоровулбозор туманлари ҳамда Когон ва Бухоро шаҳарларида сезиларли даражада ошиши кутилмоқда. Вилоятнинг Когон, Бухоро, Жондор, Шофиркон, Олот туманларида эса бронхиал астмадан касалланиш даражаси камайиши прогноз қилинмоқда.



2-расм. Бухоро вилоятида 2030 йилгача бўлган даврда бронхиал астмадан касалланишнинг тарқалиши прогнози (10 000 аҳолига)

Бухоро вилояти миқёсида бронхиал астмадан ногиронлик даражаси 2030 йилга бориб 1,5 баробарга камайиши прогноз қилинмоқда. Бу ҳолат вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида деярли бир хил даражада камайиши кутилмоқда.

Бухоро вилоятининг шаҳар ва туманларида бронхиал астмадан ўлим ҳолати 2030 йилга бориб 1,4 мартага камайиши кутилмоқда.

Диссертациянинг «**Бронхиал астма билан касалланган беморларнинг ижтимоий-гигиеник характеристикаси, хавф омиллари ва ҳаёт сифати**» деб номланган бешинчи бобида бронхиал астма касаллигига олиб келувчи асосий хавф омиллари, беморларнинг турмуш тарзи, ҳаёт сифати ва тиббий фаоллиги натижалари тақдим этилган. Тадқиқотга жалб қилинган беморларнинг асосий қисми (46%) ўрта маълумотга эга, контингентлар яшаш жойларида 5 йилдан ортиқ вақт давомида истиқомат қилиб келмоқдалар. 52,0% беморнинг яқин қариндошлари орасида бронхиал астма касаллигининг мавжудлиги қайд қилинган.

Беморларнинг 76,4% юқори нафас йўллариининг ЎРВИ билан йилига 2–4 ва ундан кўп марта касалланишини таъкидлаган. Бронхиал астмага туртки бўладиган хавф омиллари орасида уй, кўча, ўсимлик, тамаки чанглари етакчи ўринни эгаллаган.

Бронхиал астма билан касалланган беморларнинг 28,8% да меҳнат режаси тўғри ташкиллаштирилмаган, 21,9% да эса касбга алоқадор зарарли омиллар мавжуд. Бу назорат гуруҳига нисбатан 2 баробар кўп фоизни ташкил қилади. Ишга жалб қилинганларнинг асосий қисми саноат ва қишлоқ хўжалиги ходимларидан иборат. Иш стажининг 10 йилдан кўп бўлиши 72,5% беморларда кузатилган. Жумладан, мутахассислик бўйича иш стажининг 10 йилдан ортиқ бўлиши 61,9% беморларда кузатилган. Касбга алоқадор хавф омиллари билан узоқ вақт алоқада бўлиш касалликнинг ривожланишига туртки бўлган.

Хўжалик-маиший ва яшаш шароитининг қай даражада эканлиги инсон саломатлигига бевосита таъсир кўрсатган. Тадқиқот натижаларига кўра беморларнинг 59,9% да мазкур шароитлар талабга тўлиқ жавоб бермаслиги аниқланди. Беморларнинг 16,8% ўз хўжалик-маиший ва яшаш шароитидан тўла қониқмаслигини айтган.

Бронхиал астма билан касалланган беморларнинг 59,2% да беморларда овқатланиш режими тўғри ташкил қилинмаган. Шунингдек, беморларнинг 27,3% аччиқ, шўр, холестеринга бой маҳсулотларни севиб истеъмол қилишини тасдиқлаган. Овқатланиш рацонида меъёрга эътибор берилмайди. Хусусан, беморларнинг 44% оқсилга бой маҳсулотлар ҳамда мева ва сабзавотларни етарли миқдорда қабул қилмаган.

Зарарли одатлар беморларда касалликнинг келиб чиқишида муҳим аҳамият касб этган. Ҳодиса гуруҳидагиларнинг 58,6% жисмоний тарбия ва спорт билан умуман шуғулланмасликларини айтишган. Барча чекувчилар ичида 20 йил ва ундан юқори чекиш стажига эга бўлганлар 37,3% ни ташкил қилган. Ўсмирлик ёшидан спиртли ичимлик қабул қилиш ҳодиса гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан 3,2 баробар юқори. Беморларнинг 28,0%, назорат гуруҳидагиларнинг эса 7,5% спиртли ичимликларни қабул қилишни 15–20 ёшдан бошлаган.

Беморлар уйидаги салбий руҳий вазият ҳам улар касаллигининг кечиши, авж олишига таъсир қилган. Ҳодиса гуруҳининг ҳар иккала ҳудудида беморларнинг уйидаги маънавий-психологик муҳит назорат гуруҳига нисбатан 79,6% га ёмон. 20,4% беморлар тиббиётга оид адабиётларни

умуман ўқимаслигини тасдиқлаган. Уларнинг тиббий хизматга муносабати ижобий эмас. 26,5% бемор тиббий хизматдан қониқмаган. Тиббий кўрикдан умуман ўтмаган ҳамда касаллик сабабли шифокорга ҳеч қачон мурожаат қилмаган, ҳатто касал бўлганда ҳам мустақил равишда даволанган.

Бухоро вилоятида яшовчи астматиклардан ўз саломатлик ҳолатини ёмон деб баҳоловчилар назорат гуруҳига нисбатан 6,2 баробар кўп. Беморларнинг саломатлик ҳолати уларнинг жисмоний фаолликларига салбий таъсирини ўтказишини кўрсатмоқда. Назорат гуруҳида 10% беморда саломатлик ҳолати жисмоний фаолликка салбий таъсир ўтказган.

Беморларнинг саломатлик ҳолати уларнинг жисмоний фаолликларига салбий таъсирини ўтказишини кўрсатмоқда. Беморларнинг аксариятида айрим жисмоний зўриқишлар: югуриш, спортнинг айрим турлари билан шуғулланиш, узоқ масофага юриш, бир нечта поғонага кўтарилиш каби машғулотларни бажариш сезиларли даражада қийинчилик туғдирган.

Касаллик беморларнинг кайфиятига, эмоционал ҳолатига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Беморларнинг 33,4% кейинги 4 ҳафта ичида ўзини умуман тетик ҳис қилмаган. Эмоционал ҳолат натижасида беморларнинг аксарияти ишга сарфлаган вақтини қисқартиришга мажбур бўлган.

Бронхиал астманинг шаклланишига олиб келувчи етакчи хавф омилларини: ЎРВИга чалиниш, тамаки чекиш, ирсий мойиллик, ёш таркиби, овқатланиш характери, чекиш стажи, касалликнинг ўткир шакли билан врачга мурожаати, меҳнат характери, тиббий кўрикдан ўтиши кабилар ташкил қилди (3-расм). Хавф омиллари асосида беморлар учун хавф гуруҳлари диапазонлари ишлаб чиқилди. Бронхиал астма профилактикасига тизимли ёндашув асосида 2 босқичли комплекс соғломлаштириш тадбирлар ишлаб чиқилди (4,5,6-расмлар).




3-расм. Бронхиал астманинг келиб чиқишида етакчи хавф омиллари

Ушбу дастур асосида тизимли ёндошув 2 босқичда олиб борилади.


1-босқич БТСЁ муассасаларида амалга оширилади. Бу босқичда, биринчи навбатда, БТСЁ муассасаларидаги шифокорлар бронхиал астмани барвақт аниқлаш, ташхислаш, даволаш, профилактикаси бўйича ўз билимларини мунтазам равишда фаол ошириб боради ва касалланиш, ногиронлик, ўлим ҳақидаги маълумотлар базасини яратади: умумий амалиёт врачлари хавф гуруҳига кирувчи шахслар ва беморларнинг хавф гуруҳларини шакллантиради; хавф гуруҳига кирган шахслар ва бемор тўғрисида маълумотлар тўплайди: оиланинг иқтисодий-ижтимоий ҳолати, оила таркиби, меҳнат характери, касбга алоқадор зарарли омиллар, ҳўжалик ва маиший яшаш шароити, зарарли одатлари, тиббий билим ва тиббий маданияти, жисмоний ва руҳий ҳолати тавсифи; касалликнинг хавф даражасини аниқлайди ва хавф гуруҳларини шакллантиради; хавф гуруҳига кирувчи хавф омиллари мавжуд шахсларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиради. Шу гуруҳлар ичида бронхиал астма билан касалланиш ва ногиронликка чалиниш хавфи таҳлил қилинади. Олинган натижалар асосида тиббий хизмат кўрсатиш даражаси режалаштирилади: аллергиялар билан контактни чеклаш, юқори нафас йўллари ЎРВИни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш, бемор ва унинг оила аъзолари, атрофидагиларга астма хуружида биринчи ёрдам кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш, беморларни ўз вақтида фаол равишда диспансеризациядан ўтказиш ва мониторинг олиб бориш режаси тузилади, бирламчи профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

2-босқичда 1-босқичда олинган маълумотлар базасига асосан БА касаллигига олиб келувчи хавф гуруҳлари: касалликка ирсий мойил шахслар, юқори нафас йўллари ЎРВИ га тез-тез чалинувчилар, касбга алоқадор зарарли омиллар билан алоқада бўлувчилар, зарарли одатлари мавжуд шахсларни инобатга олган ҳолда комплекс соғломлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Оила саломатлик мактаблари шакллантирилади. Бемор ва унинг яқинларига астматик хуружларда ўз-ўзига ва беморга биринчи ёрдам кўрсатиш, дори воситаларини ўз вақтида ва тўғри қабул қилиш, ўз аҳволини мунтазам назорат қилиш, астматик хуружини келтириб чиқарувчи омиллардан имкон қадар узоқроқ бўлиш, профилактик кўникмаларга ўргатиш, беморнинг тиббий фаоллигини шакллантириш, касалликнинг оғир хуружларида тиббий хизматга ўз вақтида мурожаат қилиш, руҳий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш, касалликнинг иккиламчи профилактикаси бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади ва уларда беморларнинг фаол иштироки таъминланади.

Бронхиал астма билан касалланган беморларни даволаш ва соғломлаштиришга индивидуал босқичма-босқич ёндашув: дастлаб ҚВП, ОП шароитида, кейинчалик ТТБ, ШТБ, ВКТТМ, Пульмонология ва фтизиатрия Республика илмий-амалий марказларида амалга ошириладиган тадбирлар дастури ишлаб чиқилади. Санатор-курорт муассасалари билан ҳамкорликда реабилитация тадбирлари режалаштирилади.




4-расм. Бронхиал астма профилактикасига тизимли ёндашув



5-расм. 1-босқич: маълумотлар базасини шакллантириш

Тиббий хизматнинг 2-босқичи тадбирлари



3-расм. 2-босқич: комплекс соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш

Туман, шаҳар, вилоятлардаги тиббиёт муассасалари, бирлашмаларида, даволаш-профилактика жараёнининг ҳар бир босқичида ССВнинг 2013 йил 13 ноябрдаги 380-сонли «БТСЁ тизими фаолиятини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида»ги буйруғи ижроси сифатининг назорати олиб борилади. Аҳолининг барча ижтимоий қатламларида тиббий хизмат сифатини яхшилаш ва уни мунтазам баҳолаш мониторинги олиб борилади. БА билан касалланганларнинг диспансеризацияси ҳамда ногиронларнинг ижтимоий таъминоти мунтазам назорат қилиб борилади.

ХУЛОСА

1. Бронхиал астма билан боғлиқ касалланиш даражаси динамикада (2004–2014 йй.) Бухоро вилоятида 24,4% га ошиб борган. Вилоят атмосферасининг ифлосланиш даражаси юқори. Саноати ривожланган шаҳар ва туманлар атмосфера ҳавоси ифлосланган, экологик жиҳатдан хавфли ва бронхиал астма тарқалганлигига кўра энг юқори ҳисобланади. Ушбу касаллик билан хасталанган беморларнинг асосий қисмини, айнан меҳнатга лаёқатли 40–60 ёшдагилар ташкил қилмоқда (мос ҳолда $35,3 \pm 1,24$ ва $31,1 \pm 1,36$; 10 000 аҳолига). Аёлларда касалланиш даражаси эркакларга нисбатан юқори.

2. Бронхиал астма касаллиги билан боғлиқ умумий ногиронлик $3,23 \pm 0,15$ (10 000 аҳолига)ни ташкил қилди. Мазкур касаллик билан боғлиқ ногиронликнинг энг юқори кўрсаткичини 40–60 ёшдагилар, яъни айнан аҳоли меҳнат фаолиятининг энг фаоллашган даврига тўғри келмоқда. Ишчилар иш стажи билан ногиронлик даражаси орасида тўғри ўртача корреляцион боғлиқлик мавжуд ($r=0,56 \pm 0,03$).

3. Бронхиал астма билан боғлиқ ўлим ҳолати $3,3 \pm 0,5$ (100 000 аҳолига) ни ташкил қилди. Касаллик билан боғлиқ ўлим ҳолати шаҳар аҳолиси орасида қишлоқ аҳолисига нисбатан юқори (мос ҳолда $5,7 \pm 2,5$; $2,0 \pm 1,2$).

4. Бухоро вилояти атмосферасининг ифлосланиш даражаси юқори. Саноати ривожланган шаҳар ва туманлар атмосфера ҳавоси ифлосланган, экологик жиҳатдан хавфли ва бронхиал астма тарқалганлигига кўра энг юқори ҳисобланади.

5. Бронхиал астма билан боғлиқ касалланиш даражаси Бухоро вилояти миқёсида кейинги 15 йилликда 43% га ошиши кутилмоқда. Касаллик билан боғлиқ ногиронлик кўрсаткичи 2030 йилга бориб 1,5 мартага камайиши, ўлим кўрсаткичи эса 1,4 мартага камайиши тахмин қилинмоқда.

6. БА билан касалланган беморларнинг аксариятида ирсий мойиллик мавжуд. Беморларда меҳнат режими тўғри ташкиллаштирилмаган, касбга алоқадор зарарли омиллар кўп. Беморларнинг яшаш шароитлари, оиладаги рухий ҳолат, тиббий хизматга муносабат қониқарли эмас. Тез-тез ЎРВИга чалиниш, зарарли одатлар, ирсий мойиллик, ўз саломатлигига муносабати, овқатланиш характери, ижтимоий аҳволи, меҳнат характери, тиббий хизматга муносабати касалликнинг етакчи хавф омиллари ҳисобланади. Бу омиллар

беморларнинг ҳаёт сифатига салбий таъсир этгани ҳолда жисмоний фаоллик, эмоционал ва руҳий ҳолатларнинг кескин пасайишига сабаб бўлмоқда.

7. Бронхиал астма билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифати касалликнинг кечиш даражасига, ёш-жинс хусусиятлари, ижтимоий ҳолати, зарарли одатлари, уйдаги маънавий-психологик муҳит ва тиббий хизматга бўлган муносабатига боғлиқ. Беморлар «саломатлик» ҳолатининг пасайиши уларнинг жисмоний ва эмоционал фаолликларига салбий таъсирини ўтказган. Беморларнинг жисмоний фаоллиги, эмоционал ва руҳий ҳолати назорат гуруҳига нисбатан пасайган. Ушбу кўрсаткичлар нафақат беморга, балки уларнинг оила аъзоларига ҳам салбий таъсир ўтказмоқда.

8. БА касаллигининг хавф омиллари даражасини олдиндан аниқлашга қаратилган прогностик жадвал соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида фаолият кўрсатаётган УАШга бронхиал астманинг хавф даражасини барвақт аниқлашга ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, бирламчи профилактик чора-тадбирларни ташкиллаштириш ва жорий қилишга, касаллик олди ҳолатида турган шахслар ва беморларга даволаш-профилактик ёрдам кўрсатишда дифференциал ва индивидуал ёндашишга, лозим бўлса тегишли ўзгартиришлар киритишга ёрдам беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА НАУК 27.06.2017. Тiб 31.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ИНСТИТУТЕ УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВРАЧЕЙ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ШАРИПОВА НИЛЮФАР САИДОВНА

**МЕДИКО-СОЦИАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ РАСПРАСТРАНЕННОСТИ
БРОНХИАЛЬНОЙ АСТМЫ И ПУТИ ИХ СНИЖЕНИЯ**

**14.00.33. - Общественное здоровье. Менеджмент в здравоохранении
(медицинские науки)**

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.2 PhD/Tib 198.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tipme.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Маматкулов Бахрамжон**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Искандарова Шахноза Тулкиновна**
доктор медицинских наук, профессор

Рустамова Мамлакат Тулабаевна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Андижанский государственный медицинский институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в __ часов на заседании научного совета DSc. 27.06.2017. Tib 31.01 при Ташкентском институте усовершенствования врачей (адрес: 100007, г.Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Паркентская, 51. Тел./факс: (+ 99871) 268-17- 44; e-mail: info@tipme.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института усовершенствования врачей (зарегистрирована №__). Адрес: 100007, г.Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Паркентская, 51. Тел./факс: (+ 99871) 268-17- 44.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ «__» _____ 2018 года.

Х.А. Акилов

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.м.н.,
профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.м.н.,
доцент

Д.А. Асадов

Председатель научного семинара
совета по присуждению ученых
степеней, д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире на сегодняшний день бронхиальная астма является серьезным заболеванием, с длительно продолжающимися приступами удушья, протекающими с сильно выраженной дыхательной недостаточностью, угрожающей жизни больных, остается одной из самых актуальных проблем в медицине. Несмотря на совершенствование методов диагностики и лечения бронхиальной астмы, во всем мире из года в год увеличиваются случаи заболеваемости, инвалидности и смертности от этого заболевания. В последние годы от 5% до 10% населения мира страдают бронхиальной астмой. В настоящее время по всему миру это составляет 300 млн. человек. Прогностические анализы показывают, что к 2025 году эта цифра достигнет 400 млн¹.

В целях углубления реформ системы здравоохранения в стране проводятся широко охваченные программные мероприятия по повышению качества и эффективности оказываемой медицинской помощи населению, в частности организация эффективной профилактики и лечения бронхиальной астмы. Несмотря на реформы в системе здравоохранения, одной из основных задач медицинских работников является предупреждение среди различных слоев населения заболеваемости, инвалидности и смертности, возникшие вследствие осложнений бронхиальной астмы. Исходя из этого важное значение имеет разработка в научных исследованиях системы профилактики и раннего выявления бронхиальной астмы в учреждениях первичной медико-санитарной помощи (ПМСП), системы своевременной качественной диагностики и лечения в амбулаторных условиях и в стационаре, прогностических показателей сокращения осложнений после лечения, системного подхода к профилактике заболевания, улучшения образа и качества жизни, а также выявление ведущих факторов риска заболеваемости, инвалидности и смертности от бронхиальной астмы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует решению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»², Постановлением Президента Республики Узбекистан от 29 марта 2017 года №ПП-2857 «О мерах по совершенствованию организации деятельности учреждений первичной медико-санитарной помощи Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах.

Соответствие диссертационной работы приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.

Настоящая работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и

¹ <http://www.who.int/respiratory/asthma/ru/>

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

фармакология».

Степень изученности проблемы. По статистическим данным, общая заболеваемость от бронхиальной астмы в 2006 году в Узбекистане составила 13 случаев на 10 000 населения. Год за годом болезнь возрастает (Нарзуллаева Н.А., 2003; Убайдуллаева К.М., 2003; Абдусаламов А.Б., 2004; Убайдуллаев А.М., 2004, Назаров А.А., 2006; Ирсалиев Ф.Х., 2006; Назаров А.А., Ирсалиев Ф.Х., Назаров Ж.А., 2006).

Учёные и медицинские работники почти всех государств бьются над решением проблем диагностики и лечения бронхиальной астмы. В последние 10 лет взгляд на лечение и патогенез болезни полностью изменился.

Проведено немало научных исследований, направленных на изучение распространенности и клинических аспектов бронхиальной астмы (Каюмходжаева М.А. 1996; Узакова Г.Т., 2001; Якимова М.А., 2001; А.Б.Абдусаламов. 2004; М.С.Салаева, 2004; А.М.Убайдуллаев, 2007; Ш.У.Исмаилов, 2007; К.М.Убайдуллаева 2007).

Несмотря на наличие ряда исследований и достигнутые успехи в изучении практических направлений диагностики, особенностей течения и лечения заболевания, в Узбекистане медицинские работники, особенно врачи общей практики, недостаточно пользуются ими. А также, распространенность бронхиальной астмы анализируется только по отчётам обращаемости больных в медицинские учреждения. Это не отражает настоящую эпидемиологическую картину болезни. Только стандартизированные эпидемиологические исследования дают возможность определить частоту встречаемости бронхиальной астмы, точные данные поло-возрастных групп с больных, а также, причины и факторы риска, предшествующие болезни.

Наряду с этим, в Узбекистане в разных регионах с различными климатическими условиями не проведены широкомасштабные, комплексные социально-гигиенические исследования, учитывающие образ жизни, качество жизни по поводу заболеваемости, инвалидности, смертности при бронхиальной астме, не проводилась их сравнительная оценка. Не выявлены факторы риска, влияющие на качество жизни и здоровье больных. Не разработан прогноз заболеваемости, инвалидности и смертности при бронхиальной астме. Не разработаны широкомасштабные, научно обоснованные мероприятия по улучшению образа и качества жизни больных, оказываемой медицинской помощи.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательской работы Ташкентской медицинской академии, № 011500217- «Научное обоснование мероприятий по улучшению здоровья и среды обитания различных групп населения Узбекистана».

Цель исследования. Изучение заболеваемости, инвалидности, смертности от бронхиальной астмы, факторов риска, а также разработка научно обоснованных мер, направленных на улучшение качества медицинской помощи.

Задачи исследования:

- изучение в динамике распространенности бронхиальной астмы по поло-возрастным особенностям в различных регионах республики;
- изучение инвалидности и смертности, связанных с бронхиальной астмой;
- изучение образа и качества жизни больных с бронхиальной астмой;
- выявление факторов риска болезни и составление прогностической таблицы по их раннему выявлению;
